



**ВИРУСЛИ ГЕПАТИТ А ЎТКАЗГАН РЕКОНВАЛЕСЦЕНТ БОЛАЛАРДА
РЕКОНВАЛЕСЦЕНЦИЯ МУДДАТЛАРИГА БОҒЛИҚ РАВИШДА
КЛИНИК БЕЛГИЛАРНИНГ ЎЗГАРИШИ**

Г.К.Толипова¹, Ф.Ш.Маматмусаева²

¹⁻²Тошкент Тиббиёт Академияси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7145986>

Бутун дунёда ҳозирги даврда жигар касалликларининг тарқалиши ошиб бормоқда. Бизга маълумки, «жигар энг безовта қилмайдиган аъзо» бўлиб ҳисобланади. Бу эса барча шифокорлардан ҳар бир беморда жигар касалликлари бўлиши мумкин деган фикр билан ёндошишни, жигар шикастланишини ўз вақтида аниқланиши учун керак бўладиган алгоритмини билишни ва жигар касалликларини даволашда қўлланиладиган гепатопротекция принципларининг бирламчи қадамларини билишини талаб этади. Тадқиқот мақсади: Вирусли гепатит А ўтказган реконвалесцент (рВГА) болаларда гепатобилиар тизим ўзгаришларида реконвалесценция муддатларига боғлиқ клиник-лаборатор белгиларнинг ўзгариши

Тадқиқот усуллари: клиник, биокимёвий, серологик, инструментал (ўт йўллари ультратовуш текшируви), статистик

Тадқиқотнинг клиник қисми 2011-2012 йилларда Ўз Рес ССВ Вирусология ИТИда олиб борилди. Кузатувга 60 та рВГА гепатобилиар тизимда (ГБТ) ўзгаришлари бўлган, назорат гуруҳи сифатида эса гепатобилиар тизимида ўзгаришлари бўлмаган 20 та рВГА 1-14 ёшгача бўлган болалар олинди ва 3 та кўрик (1 ой, 1-3 ой, 3-6 ой) муддатларида кўриқдан ўтказилди.

Текширув натижалари шуни кўрсатдики, ГБТ ўзгаришлари бўлган рВГА болаларда 1-кўриқда оғиз қуриши ва аччиқ таъм сезиш, ҳолсизлик, гепатомегалия ва ўнг қовурға остида оғриқ (78,3%; 65%; 78,3% ва 45% мос равишда) белгилари назорат гуруҳидаги болаларга нисбатан кўпроқ фоизларда кузатилди. 2-кўриқда ҳолсизлик ва гепатомегалия белгилари (46,6% ва 40%) бошқа белгиларга нисбатан юқори фоизларда сақланди. Назорат гуруҳидаги болаларда эса юқорида келтирилган белгилар умуман аниқланмади. 3-кўриқ вақтида асосий гуруҳда назорат гуруҳига нисбатан оғиз қуриши ва аччиқ таъм сезиш, ҳолсизлик ва ўнг қовурға остида оғриқ (5%; 30% ва 15% мос равишда) белгилари сақланиб қолган, назорат гуруҳида эса ҳеч қандай белгилар кузатилмади.

Шундай қилиб, рВГА гепатобилиар тизимида ўзгаришлари бўлган болаларда рВГА гепатобилиар тизимида ўзгаришлари бўлмаган болаларга



THEORETICAL ASPECTS IN THE FORMATION OF PEDAGOGICAL SCIENCES

International scientific-online conference



нисбатан реконвалесценция даври чўзилган реконвалесценция
муддатларида кечиши аниқланди.

